



## ОИЛА-ИШ БАЛАНСИ: МАМЛАКАТЛАРАРО ТАҚҚОСЛАШ

Садуллаев Шахрух

Оила ва гендер илмий-тадқиқот  
институтини мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада оила-иш баланси: мамлакатлараро таққосланган. 2019 йилда иш вақтидан ташқари ишда машғул бўлганлик даражаси бўйича мамлакатлар рейтингини, дам олиши ва ўз-ўзини парвариши қилишга бағишланган вақт бўйича мамлакатлар рейтингини, Европа Иттифоқи мамлакатларида оилавий мажбуриятли банд бўлганларни қўллаб-қувватлаш дастурлари тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Оила, иш баланси, мамлакатлар, оилавий мажбурият, аҳоли бандлигига қўмаклашиши.

**Аннотация.** В этой статье сравнивается баланс семьи и работы: кросс-кантри. В 2019 году были проанализированы рейтинг стран по уровню вовлеченности в работу во внерабочее время, рейтинг стран по времени, уделяемому отдыху и уходу за собой, данные о программах поддержки занятых с семейными обязанностями в странах ЕС. .

**Ключевые слова.** Семья, баланс работы, страны, семейные обязательства, содействие занятости.

**Annotation.** This article compares family-work balance: cross-country. In 2019, the ranking of countries on the level of engagement in work outside working hours, the ranking of countries on the time devoted to leisure and self-care, data on the support programs for the employed with family responsibilities in the EU countries were analyzed.

**Keywords.** Family, work balance, countries, family obligation, employment promotion.

### Кириш

Оила ва иш баланси сиёсати деганда “касбий, оилавий ва ота-оналик мажбуриятларини биргаликда юритишда эркак ва аёл дуч келадиган тўсиқларни енгиб ўтишга йўналтирилган тасаввур-тушунчалар, қоидалар ва ҳаракатлар тизими” [Чернова 2012], шунингдек “ишлайдиган катта ёшдагиларга касбий, оилавий ва ота-оналик мажбуриятларини оптимал бирга олиб боришга имкон берувчи институционал ишлаб чиқилган қўллаб-қувватлашлар” [Рождественская, 2011] тушунилади.

Шуни ҳам эътибор қаратиш керакки, замонавий тадқиқотларда балансни тадқиқ қилиш нафақат “оила-иш” контекстида, балки бироз кенгроқ – “иш-шахсий ҳаёт” контекстида ҳам тобора кўпроқ кўриб чиқилмоқда, кўпинча бу тушунчалар синонимик тушунчалар сифатида ишлатилади [Taiwo et al, 2016].


Шуни таъкидлаш керакки, ушбу иш контекстида балансни ўрганиш фақат индивиднинг иш функциялари ва унинг оилавий мажбуриятлари ўртасида назарда тутилади, чунки айнан оила институти инсон фаолиятининг асоси, давлатнинг ижтимоий ва сиёсий асосларини шакллантиришнинг



пойдевори ҳисобланади. Шу муносабат билан оила ва шахсий ҳаёт тушунчаларини фарқлаш керак.

**Асосий қисм.** 2011 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) турли мамлакатлардаги шароитларни яхшилаш бўйича ҳукуматлар сиёсатларини узоқ ва фаол қўллаб-қувватлашдан сўнг асосида 11 та базавий жиҳатлар ётган, шу жумладан ташкилотнинг 34 мамлакат-иштирокчиси ўртасида иш ва шахсий ҳаёт баланси кўрсаткичларига асосланган “Яхшироқ ҳаёт индекси” ни ишлаб чиқди. Индикатор асосида респондентларнинг иккита кўрсаткич бўйича баҳолари ётади: ишга ҳафтасига 50 соатдан ортиқ вақт ажратувчи ходимлар улуши ҳамда ҳордиққа ва ўзига қарашга бағишланган вақт. Иш вақтидан ташқари ишда машғул бўлганлик даражаси бўйича мамлакатлар рейтинги 1-расмда тақдим этилган.

### ИШГА КЎП ВАҚТ БАҒИШЛОВЧИ ХОДИМЛАР




**1-расм. 2019 йилда иш вақтидан ташқари ишда машғул бўлганлик даражаси бўйича мамлакатлар рейтинги<sup>1</sup>**

Кўплаб тадқиқотлар натижалари шуни тасдиқлайдики, ишдан ташқари ортиқча иш вақтининг мавжудлиги саломатликка салбий таъсир қилади, меҳнат хавфсизлигига таҳдидлар юзага келади, ишловчининг психологик стресс даражаси ошади, демак, балансга эришиш имкониятлари пасайиши мумкин. Россияда ишловчилар томонидан қўшимча иш вақтига сарфлаган вақтлари тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатдики, респондентларнинг атиги 0,14 % ҳафтасига 50 соатдан кўпроқ ишлайди, бу таҳлил қилинган мамлакатлар орасида энг яхши кўрсаткичдир.

Яхшироқ ҳаёт индексининг баланслашганлиги кўрсаткичи характеристикаси бўлиб мавжуд шахсий вақт миқдори ҳам ҳисобланади.

<sup>1</sup> Манба: веб-сайт маълумотлари асосида томонидан тuzилган: <https://www.oecdbetterlifeindex.org/ru/topics/work-life-balance-ru/>



**2-расм. Дам олиш ва ўз-ўзини парвариш қилишга бағишланган вақт бўйича мамлакатлар рейтинги<sup>2</sup>**

Ушбу кўрсаткич бўйича Россия 2019 йилда 12-ўринда ва 2020 йилда 9-ўринда бўлган. Ўртача, иш билан банд бўлган аҳоли дам олиш, ухлаш, ўзига ва яқинларига ғамхўрлик қилиш учун 14,92 соат вақт ажратишга мойил, буни тақдим этилган мамлакатлар орасида медиан кўрсаткич сифатида белгиланиши мумкин.

2019 йилда ИХТТга аъзо давлатлар орасида иш/дам олиш бўйича етакчилар: Нидерландия, Италия, Дания, Испания, Франция, Литва, Норвегия, Белгия, Германия, Швеция, Швейцария ва 12-ўринда Россия. Баланс бўйича биринчи ўринларни эгаллаган мамлакатларда давлат томонидан балансни қўллаб-қувватлаш чоралари 1-жадвалда тақдим этилган.

1-жадвал.

**Европа Иттифоқи мамлакатларида оилавий мажбуриятли банд бўлганларни қўллаб-қувватлаш дастурлари тўғрисида маълумотлар<sup>3</sup>**

Мамлакат	Қўллаб-қувватлов чоралари
Нидерланди	Болали аёллар учун тўлиқсиз иш куни
Италия	4 ёшдан 12 ёшгача болалар учун парвариш ва кўнгил очиш бўйича бепул хизматлар

<sup>2</sup> Манба: веб-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган:

<https://www.oecdbetterlifeindex.org/ru/topics/work-life-balance-ru/>

<sup>3</sup> <https://www.oecdbetterlifeindex.org/ru/topics/work-life-balance-ru/>



Дания	«ФлексДжобс» (Flexjobs) дастури – Болали оилалар учун узлуксиз қўллаб-қувватлаш цикли сўров бўйича тўлиқсиз иш куни: тўловлар, қўшимча таътиллار, қисқа иш ҳафтаси (37 соат)
Франция	Болаларни парвариш қилишда оталарнинг фаол иштироки: имтиёзлар, 6 ойгача таътил

Мамлакат	Қўллаб-қувватлов чоралари
Бельгия	Офисларда “биргаликда” иш жойи лойиҳаси, уйда ишлаш, ишда натижага йўналганлик
Германия	“Оила муваффақият омили сифатида” меморандуми: эркаklar ва аёллар тенглиги, эркин графикли вкансиялар ва оналар учун ҳам, оталар учун ҳам тўлиқ иш вақтини қисқартириш
Швеция	“Менинг саҳифаларим” электрон ресурси: нафақа олиш, касаллик варақасини онлайн форматда олиш
Швейцария	Ваучер тизими ҳисобига болаларни парвариш қилиш муассасаларида жойлар сонининг кўпайиши

Россия федератсиясида балансга эришиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда – “Аҳоли бандлигига кўмаклашиш”, “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш” ва бошқа бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан иш ва оила функциялари ўртасидаги балансни тадқиқотни ўтказиш меҳнат бозорига ҳам, ижтимоий соҳага ҳам таъсир кўрсатадиган асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил қилиш зарурлигини белгилаб беради. Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг юқори даражасига эришиш воситаларидан бири бўлиб аҳолининг муносиб турмуш даражаси ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш учун зарур бўлган давлат харажатлари ҳисобланади.

### Хулоса

Оила-иш баланси масаласи глобал миқёсда аҳамият касб этмоқда, чунки у жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Мамлакатлар ўртасидаги фарқлар, маданият, иқтисодий ҳолат ва сиёсий сиёсатга боғлиқ равишда ўзгарувчан.

Кайси мамлакатларда оила-иш балансини таъминлаш учун самарали дастурлар ва сиёсалар мавжуд бўлса, бундай жойларда инсонларнинг фаровонлиги, меҳнат самарадорлиги ва руҳий соғлиғи юқори даражада бўлади. Энг яхши амалиётларни ўрганиш ва уларни бошқа давлатларга тадбиқ қилиш, барча жамиятлар учун фойда келтиради.



Шунингдек, оила-иш балансини яхшилаш бўйича халқаро ҳамкорлик, мустақил тадқиқотлар ва инновацион ёндашувлар мамлакатлар ўртасидаги фарқларни камайтиришга ва барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир одамнинг шахсий ҳаётини яхшилаш ва уларнинг касбий самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Карабчук Т.С., Панкратова В.Л. Оплата труда матерей в России: существует ли дискриминация? // Экономическая социология. - Т. 14, 2013. - № 1. - С. 78-92.
2. Ковриков О.И. Гендерные стереотипы в наследство и их проявление сегодня // Женщина в зеркале социологии. - Иваново, 1999. - Вып. 2. - 67 с.
3. с.
4. Колосова Р.П., Медведева Т.А. Социально-трудовые отношения в сетевой экономике // Вестник Московского университета. Серия 6: Экономика, издательство Изд-во Моск. ун-та (М.), № 5, с. 89-103
5. Колосова Р.П., Меликьян Г.Г. Занятость, рынок труда и социально-трудовые отношения / Учебно- методическое пособие: практикум. — М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2008. — 458 с.
6. Колосова Р.П., Разумова Т.О., Labour Market and Precarity of Employment in Russia. В сборнике Labour Market and Precarity of Employment, место издания Wiener Verlag, - 2014- С. 189-219
7. Кочкина Е.В. Обзор гендерной экспертизы российского законодательства // Общественные науки и современность, 2000. - № 4. - С. 58-74.
8. Кравченко, А.И. Социология / А.И. Кравченко - 2-е изд., перераб. и доп. - М., Академический Проект, 2001. - С. 9.
9. Лушников А.М., Лушникова М.В. Курс трудового права. I том. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Статут, 2009. — 879с- С. 104
10. Малеина М.Н. Личные неимущественные права граждан: понятие, осуществление, защита. М., 2000. С.153